

## ВОҚЕАБАНД ШЕЪР БАДИИЯТИ



**Махфуза Исроиловна ДАВРОНОВА**

Докторант

Филология фанлари номзоди

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

[mahfuza74@inbox.ru](mailto:mahfuza74@inbox.ru)

### Аннотация

Мақолада Усмон Азим ва Иқбол Мирзониנג воқеабанд шеърлари хусусида фикр юритилган. Шеърларда сюжет унсурларининг учраши, бу унсурларнинг лирикадаги ўрни аниқланган. Рус ҳамда ўзбек адабиётшуносларининг фикрларига таянган ҳолда шоирларнинг ўзига хос услуби борасида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** воқеабандлик; шеър; лирик кечинма; сюжет; лирик қаҳрамон; шоир; мазмун; шакл.

## ПОЭТИКА ПОВЕСТВОВАТЕЛЬНОЙ ЛИРИКИ

**Махфуза Исроиловна ДАВРОНОВА**

Докторант,

Кандидат филологических наук

Самарқандский государственный университет

Самарқанд, Узбекистан

[mahfuza74@inbox.ru](mailto:mahfuza74@inbox.ru)

### Аннотация

В статье обсуждается повествовательная лирика таких поэтов, как У. Азим и И. Мирзо. А также определяется местонахождение элементов сюжета, и как сами эти элементы появляются в лирике. Основываясь на мнениях российских и узбекских литературоведов, высказываются мнения о индивидуальном стиле поэтов.

**Ключевые слова:** драма; поэзия; лирика; сюжет; лирический герой; поэт; содержание; форма.

## POETICS OF NARRATIVE POETRY

**Makhfuza Isroilovna DAVRONOVA**

Doctoral candidate, candidate of philological sciences

Samarkand State University

Samarkand, Uzbekistan

[mahfuza74@inbox.ru](mailto:mahfuza74@inbox.ru)

### Abstract

The article discusses the narrative lyrics of such poets as U. Azim and I. Mirzo. Also, the location of the plot elements is determined and how these elements themselves appear in the lyrics.

Based on the opinions of Russian and Uzbek literary critics, opinions are expressed on the individual style of poets.

**Keywords:** drama; poetry; lyrics; plot; lyric hero; poet; content; form.

Асарда ҳикоя қилинаётган воқеа сюжет ҳисобланади. “Сюжет – адабий асарда тасвирланган ҳаракатнинг мазмунини ифодаловчи ҳаётий воқеалар мажмуи, кенгроқ маънода, конкрет воқеалар тизмасида намоён бўладиган характерлар тарихи, поэтик фикр-туйғулар оқими. Ҳаётни акс эттиришда ва поэтик ғояни ифодалашда сюжетнинг роли ниҳоятда каттадир” (1, 108). Бирор воқеани эпизодик шаклда тасвирлаш ҳамда шу жараёнда ҳис-туйғулар бўртиб туриши лирик сюжетни юзага келтиради. Бу ҳақдаги илмий мулоҳазалар бир-бирини такрорламайди. Уларда воқеа асосида яратилган шеърларни воқеабанд шеърлар деб аташ ҳолати учрайди. Бироқ бу фикр ҳам тугал эмас. Бу борада рус адабиётшуносларининг изланишлари эътиборлидир. “Адабиёт назарияси”да фабулани сюжет (воқеабанд лирика) ҳамда психологик сюжет (соф лирика) истилоҳи ишлатилган бўлса (11, 30), “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида сюжет асосида яратилган шеърлар “тасвирий лирика” (4, 217–218) деб номланган. Г. Н. Поспелов буни тавсифий-тасвирий лирика деб ўрганишни тавсия қилади (9, 62–177). “Адабий тур ва жанрлар”да воқеабанд лирика термини ишлатилади (5, 30). Н. Шукуров ҳам буни воқеабанд шеър термини билан изоҳлайди: “...унинг лирик асар эканлигини далиллаб тирувчи белгиларини эътиборга олиш лозим. ...унда эпик элементнинг, воқеанинг вазифасини, меъерини, ўрнини аниқлаш ва шу нуқтаи назардан масалага ёндашиш талаб қилинади. Мана шу икки масала ҳақида гапириш воқеабанд лириканинг жанр хусусиятларини аниқлашга ва чегаралашга ҳам имкон беради” (14, 134). Н. Шукуров воқеабандлик асосидаги шеърларда у ёки бу воқеа тугалланган сюжет шаклида бўлиши мутлақо шарт эмас деб ҳисоблайди. “Шеърда ҳаётдаги тугал воқеанинг ёки бошланиши, ёки авж нуқтаси, ёки хотимаси, ёки яхлит системаси олиб тасвирланади. Лекин у эпик ва драматик асарлардагидек воқеликни акс эттиришнинг етакчи воситасига айланмайди ва унда сюжет ўзининг барча бўлаклари билан тугал ҳолатда бўлиши талаб қилинмайди. Лирикада воқеа кечинмани, туйғуни бўрттириб ифодалашга хизмат қилувчи бир элемент бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам воқеабанд шеър эпик ёки драматик тур жанрига айланиб кетмайди, балки лириканинг мулки бўлиб қолади” (14, 134). Н. Шукуров мулоҳазалари воқеабанд шеър хусусида билдирилган фикрларнинг ёркинроғидир. Иқбол Мирзонинг қуйидаги шеъри бунга мисол бўла олади:

*“Зулфияга қарама,  
Нақ энангни кўрасан!*

*Мени яхши кўради.  
Сўра, кимдан сўрасанг!”  
Калтак ерди Абдулла,  
Калтак еб ҳам қайтмасди.  
–Ол-э, ўша Зултини,  
Керакмас! – деб айтмасди (8, 170).*

Хотира кўринишига эга бўлиб, сюжетга асосланган ушбу шеър эпизодик характерга эга. Унда учта шахс иштирок этган. Булар: лирик қаҳрамон, Абдулла ва Зулфия. Аммо бу уч қаҳрамоннинг ҳаёти шеърда қисман акс этади. Воқеа тугал эмас. Шеърда илк муҳаббат хусусида сўз юритилиб, эпизодик кўринишга асосланганлиги сабабли, хотирага айланган дарс жараёни ҳам кузатилади. Шу билан бир қаторда лирик қаҳрамон бу жараённи бугун билан ҳам боғлайди. Унда тасвирланишича, лирик қаҳрамон ва Абдулла армия хизматига кетган чоғида Зулфия бошқа билан оила қуради. Шеърнинг ўзига хос хусусияти, яъни лирик қаҳрамоннинг характерини очувчи қирраси:

*Китобимнинг ичидан  
Учиб тушар суврати,  
Севмаганман мен уни,  
Абдул яхши кўради!  
Йиртаман деб сувратин,  
Йиртолмайман ҳар куни,  
Севмаганман мен уни!..  
Севмаганман мен уни!..*

сингари мисралар билан хотималанишида кузатилади. Шеър уч қаҳрамон ҳаётини ҳикоя қилса-да, уларнинг ҳаётини тўлиқ бермайди. Бу шеърнинг ғоясига қирмайди. Шеърдаги воқеа фақат лирик туйғуни ифодалаш учун хизмат қилгандир. Шеърда ифода этилган конфликт ҳам (лирик қаҳрамон ва Абдулла ўртасидаги ишқий можаро) фақат туйғуни бўрттириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам шеърнинг хотима қисмида воқеага нисбатан туйғу устунлик қилади ва биз бу шеърни бемалол сюжет асосида яратилган шеър дея айта оламиз.

Жамол Камол воқеага асосланган шеърларни Н. Шукуров фикрига кўшилган ҳолда “воқеабанд лирика” деб атайди (6, 58). Шу билан бирга у: “Шундай шеърлар учрайдики, бўртиб кўринувчи стилистик хусусиятлари ва образли структурасига кўра уларни юқоридаги таснифнинг икки-уч турига

мансуб деб ҳисоблашга тўғри келади” деган фикрларни баён этади. Иқбол Мирзо ижодида сюжет асосида яратилган шеърлар талайгина. “Чиройли қиз ҳақида ҳикоя”, “Пари ҳақида ҳикоя”, “Нигоҳ ҳақида ҳикоя”, “Муҳаббатсиз висол ҳақида ҳикоя”, “Метрода”, “Афсус” сингари шеърлар шулар жумласидандир. Юқорида таъкид этганимиздек, бу шеърларда ҳам тугал воқеа учрамайди. Фақат воқеанинг авж нуқтаси қаламга олинади. Шоир бир неча шеърларини ҳикояга нисбат бериб номлаган бўлса ҳам бу шеърларда воқеалар тўлиқ тасвирланмайди. Лирик сюжетни ифода этганлиги сабабли ҳам шоир сарлавҳада ҳикоя истилоҳини келтиради. “Чиройли қиз ҳақида ҳикоя” шеърда воқеа тугун билан бошланади.

*Сен чиройли қиз эдинг,  
Сен чиройли кулардинг.  
Сал хунукроқ бўлсайдинг  
Ўзимники бўлардинг (8, 276).*

Шеърда чиройли қиз бўлганлиги сабаб ёрнинг ошиқлари кўп деган тушунча ҳосил бўлади. Ва шу сабаб лирик қаҳрамон унинг васлига ета олмаган деган хулосага келиш мумкин. Бироқ шеърни ўқир эканмиз, ошиқ ёрнинг васлидан кўра шеър дардини танлайди ва Тошкентга кетади. Ёридан эса уни кутиш ваъдасини олади. Шеърда ошиқ шеър дарди сабаб севган ёрини унутади ва уйига фарзанди ва турмуш ўртоғи билан қайтади. Шеър ўн йилдан ортиқ даврни қамраб олган бўлса ҳам, бу даврни бир-бири билан боғлаб тирувчи “Яхши кўрасанми айт, // Яхши кўраман дегин!” мисраларидир. Бу мисраларни биз шеърнинг ривожда, кульминацияси ҳамда хотимасида учратамиз. Шеърнинг хотима қисмида мана энди ёр (ташлаб кетилган ёр) ошиқ йигитга эмас, балки унинг ўғлига мурожаат этади ва ўша мисралар такрорланади. Шеър катта даврни қамраб олган бўлса ҳам шоир бу даврни эпизодик шаклда беради. Бундай хусусият фақат ушбу шеърга эмас, балки кўп шеърларига тааллуқли эканлигини шоирнинг поэтик услуби сайқалланиб бораётганлигидан дарак беради. Асосийси, воқеа асосида яратилган ушбу шеърда, шоирнинг маҳорати, ўзининг янги иқболона қирраларининг намоён этганлигида кузатилади.

Академик Иззат Султон: “Адабиётнинг кичик жанрларида кўпинча бир кичик воқеа ва унинг тафсилоти тасвирланади. Йирик жанрларга мансуб асарлар сюжети эса кўп тармоқли бўлади. Бундай ҳолатда сюжетнинг мураккаблиги хусусида гап боради. Ҳар икки ҳолда ҳам сюжет асар мазмунига асос бўлган кичик ёки катта воқеа бўлиб қолади” (7, 108), деб ҳисоблайди. Албатта, ҳикоя жанридаги воқеа роман жанрида ўзини оқлай олмаганидек (фақат бош қаҳрамон

билан боғлиқ бир воқеа атрофида бўлиб ўтгани сабабли), роман жанридаги мураккаб сюжет ҳам ҳикоянинг ҳажмига мос келмайдими. Наср ва драматургияда сюжет ўзига хос жанр такомилдан келиб чиққан ҳолда берилса, лирикада ҳам сюжет лирик жанрларга хос тарзда учрайди. Бироқ юқорида таъкид этганимиздек, лирик сюжет ҳақидаги фикрларда бир тўхтам учрамайди. “Адабиётшунослик асослари”да: “Адабий асарни сюжетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин ҳар бир асарнинг ва, хусусан, лирик шеърнинг сюжети ўзига хосдир” (3, 108) дейилади. Адабиётшунос Т. Сильман лирик сюжет ҳақида куйидаги фикрларни илгари суради: “лирик шеър сюжети – тематик жиҳатдан ҳам ва шунингдек, ўз тузилишига кўра ҳам биз “қуюлтирилган лирик ҳолат” деб атайдиган – лирик қаҳрамоннинг кучайтирилган, кескинлаштирилган ҳолатини ифодалайди” (10, 6). Т. Бобоев, Т. Сильманнинг фикрига қўшилган ҳолда лирик шеърда муайян поэтик фикр ва туйғулар оқими лирик манзарани акс эттиради деб ҳисоблайди. Худди мана шу лирик манзара лирик сюжетни ташкил этишини таъкидлайди. Шу билан бир қаторда фикр ва туйғулар оқими кўзга яққол ташланувчи, унда воқеа вазият яратилувчи ҳамда лирик қаҳрамондан ташқари персонажлар ҳам иштирок этишини таъкидлаб ўтади. Адабиётшунос бундай шеърларни “воқеабанд шеърлар” деб ҳисоблайди. Қатъий фикрга келиб, барча асарларда, шу жумладан, лирикада ҳам сюжет мавжуд деган ғояни илгари суради.

Усмон Азим қаламига мансуб воқеабанд шеърларда лирик қаҳрамонлардан ташқари персонажлар ҳам иштирок этади. Шоирнинг лирик қаҳрамони кўнгилнинг қалбтуғёнлари авж нуқтага кўтарилади. Ўқувчининг ҳаловатини ўғирлайди, уни ўша лирик қаҳрамон билан бир маромда нафас олишга ҳамда унинг кечинмалари билан яшашга ва ўз кечинмаси сифатида қабул қилишга мажбур этади. Энг асосийси, Усмон Азим лирик кечинмаларни шундай дард билан ўқувчига етказадими, ногоҳ қалб ларзага келади ва бу кечинманинг бутун оғирлигини бир неча кун ҳис этиб юради. Усмон Азим бу каби кечинмаларни беришда психологик ҳолатлардан ҳамда нутқнинг монолог, диалог, полилог кўринишларидан унумли фойдаланади. Психологик ҳолат драматик ҳолат ва унинг кескинлашувидан ҳосил бўлади. Унинг “Мени тинч қўй!” мисраси билан бошланувчи шеърига эътиборимизни қаратамиз:

*Мени тинч қўй! Бор, қабрга бор,  
Деразадан боқмагин, арвоҳ.  
Йўқлик қўйиб юбормас зинҳор,  
Энди қайтиб келолмайсан, оҳ...*

Шоир шеърни персонаж тилидан унумли фойдаланган ҳолда тугун билан бошлайди. Ўқувчини бу образ билан таништирамайди. Драматик вазият деразанинг ёнида турган арвоҳга қизиқиши билан бошланади. Натижада, шоир ўқувчини учинчи одам бўлиб эштирок этишга ундайди ва уни арвоҳ сингари деразадан муралашга мажбур этади:

*Куйма! Мени севар бу одам,  
Тун умримга тонглар тўшайди.  
Рости, унга дил бердим менҳам,  
Чунки сенга жуда ўхшайди,  
Қара сенга жуда ўхшайди...*

Ўқувчи ниманидир тушунади, ниманидир англайди. Бироқ, ҳаёт ҳақиқати олдида на-да арвоҳ, на-да ўқувчи вазиятни ўзгартиришга қодир. Драматик вазият янада кескинлашади ва ўзининг юқори чўққисига кутарилади. Қачонлардир икки қалбнинг мусаффо севгиси, уларнинг севгига бўлган садоқати бўйкўрсатгандек бўлади гўё. Ўқувчи ҳам бу севгига ишонади... ҳаёт ҳақиқати олдида эса...

Шоир ўқувчи кутмаган ва тасаввур ҳам эта олмаган воқеага дуч қилади:

*Аёл аста пардани тортар,  
Каравотда ухлар бир одам.  
Арвоҳ тунга ўзини отар,  
Ва чирқиллай бошлайди бирдан.*

Аристотель – воқеанинг фақат саҳнада актёрлар томонидан кўрсатилаётган қисминигина тасвирлаш мумкин – дея таъкидлайди (2, 49). Бироқ лирика саҳна жараёнини талаб этмайди. Шу сабабли ҳам руҳий ҳолатни табиат билан ҳамоҳанг тасвир этади. Шеърда қисмат персонажни қайга бошлагани ва қай кўйга солгани тўлиқ тасвир этилмаган. Унда бир муштипар аёлнинг қалб ларзалари ва арвоҳга бўлган муносабатини сезиш мумкин. Чунки шеърнинг биринчи бандида деразадан қараган арвоҳнигина пайқаган аёлнинг ҳаёт мажбурияти олдида айтган “Йўқлик кўйиб юбормас зинҳор” сўзлари фикримизни далиллайди. Бир фалокат сабаб оиланинг бузилиши, аёлнинг оилага бўлган мажбуриятининг ошиши, уни бир йўл танлашга мажбур этилишига олиб келган. Ўқувчи қандай фалокат сабаб бир инсон бу оламдан кўз юмганлигини билмайди. Бу асосий эмас. Энг асосийси, аёлнинг оила олдидаги мажбурияти ва унинг тоғдек юки ҳамда ғами. Бу юкни кимдир кўтара олади, кимдир бошқа бировнинг кўмагига муҳтожлик сезади. Бу муҳтожлик эса йўқликни қай йўл билан бўлса-да йўқотишга қаратилган.

Муаллиф ўқувчини шундай азобланишини билгандек аста пардани тортади, унинг уйида ётган инсонни эса ухлашига халақит бермайди. Уларни ҳаёт учун курашга қўйиб беради. Драматик вазият кескинлаша бориши натижасида арвоҳнинг психологик ҳолати янада юқорироқ даражага кўтарилади:

*Юзга босиб барги хазонни,  
Ўқириб-ўқириб йиғлайди, ёху!..  
Ғулдирайди битта каломни:  
“Ахир, менга ўхшамайди-ку..  
Ахир менга ўхшамайди-ку...”*

Шоир ушбу шеърида монолог ва диалогдан фойдаланади. Шеърида драматик тасвирнинг энг авж нуқтаси берилади. Бу эса лирик тасвир сюжетини жонлантиради, унга пардоз бағишлайди. Усмон Азим ушбу шеърида гоҳ муаллиф, гоҳ персонажлар тилига мурожаат этиб ўқувчини муаллифсингари учинчи инсон бўлиб кузатишга мажбур этади. Шу билан бирга у нутқ кўринишларидан усталик билан фойдаланадики, бунинг натижасида, қаҳрамонлар билан бирдек азобланиш баробарида уларнинг ҳаёти тўғрисидаги (айтилмаган бўлса-да) муайян маълумот олишга йўл очади. Бу маълумот уларнинг руҳияти орқали тасвирланади. “Мени тинч қўй” шеърида образларнинг ёркинлигига диалогик нутқ кўриниши ҳам муҳим роль ўйнаган.

“Лирик асарда образнинг ҳаракати кенг равишда ривожлантирилмайди, воқеалар тез-тез алмашилиб турмайди. Қаҳрамонлар турли-туман ҳолатларда, ҳар хил кишилар билан бўлган муносабатларда ўзини кўрсата бермайди. Драматик фабула изчил очилиб бормайди, воқеа содир бўлаётган шароит, жонли характернинг такомилли, характерларни бир-бирига қарши қўйиш атрофлича тасвирланмайди” (5, 94). Усмон Азимнинг юқоридаги шеъри муайян сюжет асосида тасвирланган. “Сюжет қаҳрамон тарихи деб келинади, бинобарин, лирикадаги сюжет лирик қаҳрамон “тарихи”дир” (12, 135). “Ушбу фикрга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, лирикадаги сюжет қаҳрамоннинг қалб “тарихи”дир” (14, 106).

Хуллас, Усмон Азим шеърларида услубига хос бўлган сюжет ўзига хос драматик тарзда намоён бўлган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Адабий тур ва жанрлар. 2 қисм. – Тошкент: Фан, 1992, – 177 б.
2. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил. – 124 б.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002,

– 520 б.

4. Введение в литературоведение. – М., 1976, – 270 с.
5. Ёқубов Ҳ. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент, 1983, – 206 б.
6. Жамол Камол. Лирик шеърят. – Тошкент: Фан, 1986, – 270 б.
7. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент, 2005, – 277 б.
8. Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. – Тошкент, 2007, – 368 б.
9. Поспелов Н. Г. Лирика среди литературных родов. – М., 1976, – 209 с.
10. Сильман Т. Заметки о лирике. – Л., 1977, – 132 с.
11. Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении // роды и жанры литературы. – М., 1964, – 240с.
12. Тўйчиев У. Лирик тур белгилари // Адабий тур ва жанрлар. III жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, – 1992, – 210 б.
13. Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати. – Самарқанд: СамДУ нашри, – 2011, – 119 б.
14. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 1973, – 160 б.